# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

*илимий-методикалық журнал* № 3/2



Нөкис - 2021

# Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

*№ 3/2 2021 жыл*

*Илимий-методикалық журнал*



**Редактор:**
***А. Тилегенов***

**Редколлегия ағзалары:**
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА



**Шөлкемлестириўшилер:**
***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гуўалық берилген.**
**Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54**
**Тел.: 224-23-00**
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz**
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**


***Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.***

# МАЗМУНЫ

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ТАСВИРИЙ САНЪАТ


**Ҳожиев Р. Б., Норбоева Д.О.** Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш концепциялари ........ 4
**Ismatov U.Sh.** Bo‘lajak tasviriy san’at o‘qituvchilarini turli grafik materiallarda ishlashga o‘rgatish (tempera bo‘yog‘i misolida) ........ 12
**Berdiyorov O.** Tasviriy san’at va chizmachilik darslarida o‘quvchilar duch keladigan ayrim masalalarning amaliy faoliyatdagi yechimlari ........ 15
**Baymetov B.B. ,Xamroqulova M.** Talabalarni boshshaklini tasvirlashga o’rgatishda konstruktiv qurilish qonuniyatlaridan foydalanish texnologiyalari ........ 18
**Abduxamidov S.M.,Shadiyev A.Ya.** Sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy tarbiya va sportning bugungi kundagi o‘rni ........ 22
**Ismatov U.Sh.** Rangtasvir mashg‘ulotlarida maishiy janrning ifodalanishi ........ 25
**Марасулова И.М., Зулфиев Р.Н.** Ўқувчилар таълим-тарбияси жараёнида тасвирий санъат ўқитувчисининг ўрни ........ 28
**Абдуллаева Г.С.** Формирование ключевых компетенций у студентов с особыми образовательными потребностями через применение ИКТ ........ 31
**Мухитдинова М.С.** Нутқида оғир нуқсони бор болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларни олиб боришда мусиқа машғулотларнинг имкониятлари ........ 35
**Султанов Х.Э., Марасулова И.М., Юнусова К.Ҳ.** Педагогик инновацион кластери: Чирчиқ тажрибасининг илк натижалари ........ 37
**Султанов Х.Э., Махмудов М.Ж.** Ўқувчиларни тасвирий санъат фанига қизиқтиришдаги ўқитувчининг маъсулияти ........ 42
**Kayumov X. A., Ko‘kiyev B .B.** Quruvchi muhandislarni tayyorlashda muhandislik grafikasi ta’limini kompyuter texnologiyasi bilan integrasiyalash ........ 46
**Махмудова М.Т.** Развитие музыкальной тематики и ее актуальность в изобразительном искусстве Узбекистана ........ 48
**Марасулова И. М.** Эстетическое воспитание молодежи для общества ........ 52
**Sobirov S.T.** Bolalar uchun nashrlarda illyustratsiyalarning vazifalari ........ 54
**Sobirov S. T.** Talabalarda yuksak axloq, kasbga sadoqat kabi insoniy fazilatlarni shakllantirish va ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirishda to‘garaklarning o‘rni ........ 59
**Муратов Х. Х.** Ўқув жараёнида мустақил таълимни ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарблиги ........ 61
**Атаханова С.О.** Масофали ўқитиш технологиясининг чизмачиликни ўқитишдаги амалий аҳамияти ........ 65
**Атаханова С.О.** Чизмачилик фани бўйича ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш омиллари ........ 69
**Султанов Х.Э.** Таълим муассасалари ҳамкорлигининг кластерли моделини ташкил этиш ........ 73
**Ko‘kiyev B.B.** Yordanchi proyeksiyalash usulidan foydalanib yaqqol tasvir qurish ........ 76
**Махмудова М.Т.** Влияние музыки на изобразительного искусства ........ 81
**Махмудова М.Т.** Роль и значение музыки в воссоздании изображения ........ 85
**Ko‘kiyev B. B., Mahmudov M. J.** Ijodkorlikni rivojlantirish chizama geometriya fani misolida ........ 88
**Ko‘kiyev B. B., Qozoqboyeva D. T.** Yordamchi proyeksiyalash usuli orqali yechiladigan masalalar ........ 91

**Jumayev I.O.** Chizmalarni AutoCAD dasturida chizishda dasturning mavjud murakkabliklarini qo'lda chizishga moslashtirish (o'rgatish) usullari ........ 94
**Jumayev I.O.** Muhandislik grafikasi fanlarida uch o'lchamli fazoni Auto CAD dasturidan foydalanib qo'llash usullari va ahamiyati ........ 99
**Xalimov M., Bekqulov Q.** Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati ........ 102
**Bekqulov Q.Sh.** O'quvchilar yo'l qo'yadigan tipik xatolarni tizimga solish va prognoz qilish oldini olish choralari ........ 105
**Bekqulov Q.Sh., To'laganova H.** Muhandislik grafikasi fanlarida talabalar chizma bajarishda yo'l qo'yadigan tipik xatolar ........ 107
**Bekqulov Q.Sh., To'laganova H.** Chizmachilik fanidan o'quvchilarning fazoviy tasavvurini oshirishda tugallanmagan chizmalardan foydalanish ........ 111
**Bekqulov Q.Sh., Boizaqova Sh.A.** Muhandislik grafikasi fanlarini boshqa fanlar bilan bog'liqligi ........ 113
**Boizaqova Sh.A., Bekqulov Q.Sh.** Ko'rinishlar mavzusni tushuntrishda detal modelini o'ziga qarab o'rganishning ahamiyat ........ 117
**Анкабаев Р. Т.** Тасвирий саънатда машғулотларида иллюстрация ўргатишнинг аҳамияти ........ 120
**Бахриев И.С.** Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанининг назарий асослари ........ 122
**Атажанова Р. Р.** Возможности уроков изобразительного искусства в развитии творческих способностей младших школьников ........ 126
**Бахриев И.С.** Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанини ўқитилишининг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш ........ 128
**Xalimov M.** Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati ........ 133
**Achilov N. N.** AutoCAD dasturi yordamida talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish yaqqol tasvirlarni bajarish asosida ........ 136
**Анкабаев Р.Т., Миржалилов М. Б.** Тасвирий саънатда машғулотларида миниатюрани ранг тасвирини ўргатишнинг аҳамияти ........ 141
**Achilov N. N.** Ko'rgazmali qurollardan foydalangan holda talabalarda ijodiy qobiliyat va dars samaradorligini oshirish yo'llari ........ 145
**Saydaliyev S.S., Nig'manov B.V., Achilov N.N.** Arxitekturada inson va fazo ........ 149
**Ҳожиев Р. Б. Норбоева Д.О.** Ёшларнинг ижтимоий қатлам сифатида мавжудлигининг онтологик асоси ........ 155

Адабиётлар:

1. Боромыкова, О. С. Коррекция речи и движения с музыкальным сопровождением. Комплекс упражнений по совершенствованию речевых навыков у детей дошкольного возраста с тяжёлыми нарушениями речи. -СПб: Детство-пресс, 1999.

2. Ветлугина, Н. А. Методика музыкального воспитания в детском саду. - М.: Просвещение, 1989. 3. Теплов, С. А. Психология музыкальных способностей. - М.: 1985

3. Аюпова М.Ю., Х.М.Пўлатова. Логопедик ритмика. Дарслик. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2007.

4. Волкова Г.А.Логопедик ритмика. Москва. 2004.

5. М.С.Мухитдинова "Мактабгача таълим ташкилотларида ахборот-компьютер технологияларини мусиқа тарбияси воситаси сифатида қўллашнинг хусусиятлари" 2020 yil

РЕЗЮМЕ

Мақола махсус мактабгача таълим ташкилотида мусиқа фаолиятларининг нутқида оғир нуқсони бор болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишлардаги муаммоларни ечишда восита сифатидаги аҳамиятига бағишланади.Бунда,мактабгача ёшдаги нутқида оғир нуқсони бор болалар билан коррекцион-ривожлантириш жараёнига таъсир этувчи асосий мусиқий фаолият турлари белгилаб берилган ва ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль музыкальной деятельности в специальной дошкольной организации как инструмента решения задач коррекционно-развивающей работы с детьми с тяжелыми дефектами речи. При этом были выявлены и изучены основные виды музыкальной деятельности, влияющие на процесс коррекции и развития детей с тяжелыми дефектами речи в дошкольном возрасте.

SUMMARY

The article examines the role of musical activity in a special preschool organization as a tool for solving the problems of correctional and developmental work with children with severe speech impairments. At the same time, the main types of musical activity that affect the process of correction and development of children with severe speech defects in preschool age were identified and studied.

# ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ: ЧИРЧИҚ ТАЖРИБАСИНИНГ ИЛК НАТИЖАЛАРИ

***Султанов Х.Э.***

*ТВЧДПИ "Тасвирий санъат"кафедраси доценти*

***Марасулова И.М.***

*ТВЧДПИ "Тасвирий санъат" kafedrasi katta o'qituvchisi*

***Юнусова К.Ҳ.***

*Бекобод тумани 29-умумий ўртатаълим мактаби ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** таълим кластери, интеграция, ўзаро ҳамкорлик, узлуксиз таълим, тасвирий санъат, тўгарак, педагогика.

**Ключевые слова:** образовательный кластер, интеграция, сотрудничество, непрерывное образование, изобразительное искусство, кружок, педагогика.

**Key words:** education cluster, integration, collaboration, continuing education, fine arts, circle, pedagogy.

Ҳозир бутун жаҳон бўйлаб рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар замонавий мутахассислардан ижодий қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва тезкорлик малакаларига эга бўлишни талаб қилади. Бунинг устига барча соҳаларда дастурлар кундан-кун янги маълумотлар билан тўйиниб бормоқда. Фан ва таълимнинг ишлаб

чиқариш билан уйғунлиги барча соҳаларда тараққиёт шарти ҳисобланади. Ривожланган дунё мамлакатларида ушбу тизимдаги хорижий тажрибалар бунинг аниқ исботи бўлиб турибди. Бу борада табиийки, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади. Бу эса ўз-ўзидан инновацион кластерга йўл очиб беради.

"Кластер тизимининг мамлакатимизда кенг жорий этилаётгани Президентимизнинг элни фаровон, халқни бой қилувчи инновацион ғояларидан бири сифатида тарихга кирмоқда. Ҳозирги кунда Тошкент вилояти таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур .

Мана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўзининг асосий стратегик йўналиши сифатида шу муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топишни мақсад қилиб олди. Институтда бу борада педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни амалиётга татбиқ этиш механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Таълим субъектларининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, ўзаро назорат тамойилига асосан иш юритишни назарда тутади ганПедагогик таълим кластери инновацион лойиҳаси ҳозирда Чирчиқ тажрибаси сифатида оммалашиб бормоқда.

Ушбу лойиҳанинг асосий вазифасиузлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали ҳамжиҳатликда тизимдаги мавжуд муаммолар ечимини топиш, уни амалиётга татбиқ этиш механизмини яратишданиборат. Бу ҳамкорлик орқали мана бир неча йилдирки, Педагогик таълим инновацион кластери йўналишида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг ОТМ ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамкорлигида тажриба-синовлар ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Ўқитувчи И.М. Марасулова бошчилигида ўша ҳудудда яшайдиган бир гуруҳ талабалар 2020 йил 18 январь куни Тошкент вилояти, Бекобод тумани 29- умумтаълим мактаби, 18 февраль куни Пискент тумани 22-мактабда "Педагогик таълим инновацион кластери" ҳамкорлигини тарғиб қилиш, кенгайтириш, мактабларда иқтидорли ёшларни кашф этиш, ўқувчиларнинг санъатга қизиқишларни ошириш мақсадида ўқувчилар билан учрашуви ташкил этилди. И. Марасулованинг «Шарқ шаҳарларини режалаштириш» мавзусида 7 а,б.синфлардаги тасвирий санъат дарсида мастер-класс очиқ дарси, иқтидорли талабалар: М. Абдувоитова, Р. Қудратиллаевларнинг ижодий кўргазмаси, Ж. Жуманов ҳамда М. Ҳамидоваларнинг маҳорат дарслари ўтказилди. Шунингдек, касбга йўналтириш мақсадида юқори (10 а,б. 11 а,б) синф битирувчилари билан учрашув ўтказилди.

Институт фаолиятидан видео лавҳа намойиш этилди. Мактаб фаоллари залида иқтидорли талабаларимизнинг тасвирий ва амалий санъатдан яратган ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Д.Бердиев, Ж.Жумаев, М. Ҳамидова портретлар ишлаб маҳорат дарслари қилиб беришди. Чизилган портретлар муаллифлар томонидан эсдалик сифатида уларга берилди. "Ёғоч ўймакор-уста рассом" тўгараги раҳбари ёрдамчиси К.Карабаев ва 2 курс талабаси У.Каримжонов томонидан ёғоч буюмларига нақш ўйиш, махсус сиртқи 2 курс талабаси К.Юнусова томонидан лойда майда пластик

ҳайкаллар ясаш, 1 курс талабаси Ш.Шохназаров ва Р.Қудратуллаев томонидан буюмларга миниатюра ишлаш бўйича мастер-класслар намойиш этишди.

- Талабалар: Мактаб жамоаси ва ўқувчиларга ЧДПИнинг асосий стратегик ғояси бўлган Педагогик таъллим инновацион кластерининг асосий мазмуни, мақсади ҳақида маълумотлар берилиб, шартнома бўйича “мактаб лабораториялари”да олиб борилаётган ишлар тақдимоти намойиш этилди. Ўқувчиларнинг тасвирий санъат ва декоратив амалий санъатдан билимларини синаб кўриш учун сўровнома ўтказилди.

Кафедрада талабалар томонидан тасвирий санъат ва чизмачилик фанларидан ўқувчилар учун босқичма-босқичликда бажарилган графика, рангтасвир ишлари, ясси ва ҳажмли геометрик жисмлардан иборат кўргазмали қуроллар тайёрланиши йўлга қўйилган. Бундай кўргазмали қуроллар,болалар учун расмли китоблар, фанга оид адабиётлар кафедра жамоаси номидан мактаб фан ўқитувчисига методик ёрдам учунетказиб берилмоқда. Кафедрада ташкил этилган тўгаракларда нафақат тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари, балким, адабиёт, тарих, математика, физика, геометрия, география, ботаника, табиатшунослик ва жисмоний тарбия бўйича ҳам кўргазмали қуроллар тайёрлаш имконияти мавжуд. Ушбу тўгаракларда фақат талабалар эмас, мактаб ўқувчилари ҳам фаол қатнашиб келишади. Назарий билимларни амалиёт билан боғлаш механизми сифатида ташкиллаштирилган ушбу жараённи таълим кластерининг яққол кўриниши деб ҳисоблаш мумкин.

Ўқув жараёнини амалиёт билан боғлаш айниқса амалий санъат ва унга қарашли мини тўгаракларда самарали натижаларга эришилаётганлигини эътироф этиш керак деб ўйлаймиз. Кафедрада ҳозирги кунда 4 та лойиҳа бўйича ишлар олиб борилмоқда. Улардан биттаси Амалий санъат йўналишида бўлиб, “Моҳир қўллар” тўгарагининг “Билим, ҳаракат, натижа” лойиҳа гуруҳи раҳбари И.М. Марасулова, ёрдамчиси Бекабод тумани 29-мактаб ўқитувчиси К.Ҳ. Юнусова, Ф. Мустафоқулова, талабалар: З. Нодирова, Н. Маърифхўжаева, М. Маматқуловалар иш олиб боришади.

Ўзаро алоқаларини йўлга қўйиш орқали мактабларда кафедрада ташкил этилган тўгаракларнинг филиаллари ташкил этила бошланди. Яқин ҳамкорлик асосида тўгарак дастурлари тузилди. Институт профессор-ўқитувчилари мактаб ўқитувчиларга ҳар томонлама методик ёрдам кўрсатиб, кафедра талабалари томонидан яратилган тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари бўйича кўргазмали қуроллар билан таъминлашди. Профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалардан иборат Ишчи гуруҳ кўплаб мактабларда семинар-тренинглар уюштириб маҳорат дарслари ўтиб беришди. Талабаларимиз чекка ҳудудлардаги мактабларда дарс ўтиш жараёнини таҳлил қилиб, ижодий ишларидан кўргазмалар ташкил этишди, мактаб ўқувчилари ўртасида танловлар ўтказишда мактаб жамоасига яқиндан ёрдам беришди. Кафедра профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалар мактаб ўқувчиларини турли танловлар ва фан олимпиадаларига тайёрлашда кўмаклашдилар. Натижада турли кўрсаткичлар бўйича ижобий ўзгаришлар кузатилди. Бекобод туман 29-умумтаълим мактабида ЧДПИ Тасвирий санъат кафедраси билан ПТИК ҳамкорлиги доирасида шартнома тузилиб, яқин алоқалар ўрнатилгандан кейин ўқувчилардаги тасвирий санъат ва чизмачилик фанларига нисбатан қизиқишлари ортди. Тасвирий санъат кафедраси катта ўқитувчиси И.М. Марасулова ҳамда ушбу мактабнинг ёш ўқитувчиси К. Юнусовалар “Устоз-шогирд” тамойили бўйича ишлаб, ўзаро ҳамкорликда рамзий маънодаги таълим кластери занжирини яратишди. 29-мактаб ўқитувчиси Камола Юнусова институт кенга-




ИСТЕЪДОД 2021 танлови ғолиблари

шидаги кластер ҳисоботларида Тасвирий санъат кафедраси билан ўзаро ҳамкорлик доирасида олиб борилаётган амалий ишлар бўйича ўз ҳисоботлари билан қатнашиб келади. И. Марасулова институтда ташкил этилган ишчи гуруҳ раҳбари сифатида кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан биргаликда мактабга бориб, у ердаги ўқув жараёнига таалуқли муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашади. Мактаб ўқувчилари институтга бориб у ердаги шарт-шароитлар билан танишиб, ўқув машғулотлари ҳамда тўгарак машғулотларида тўғридан-тўғри иштирок этишади. Тасвирий санъат кафедраси профессор-ўқитувчилари мактаб ўқувчилари билан турли мавзуларда суҳбатлашиб, келажакда касб танлаш бўйича ўз маслаҳатларини беришади.Бундай учрашув 1 йилда 3 мартагача ташкил этилди. 2020 йилгача чизмачиликдан ҳеч ким олимпиададан кучли ўнталикка кирмаган эди. Биргаликдаги саъйи-ҳаракатлар натижасида турли ижодий танловлар ва маънавий тадбирларда ўқувчиларнингфаоллашганини кузатиш мумкин. 2020йилда биринчи марта мактаб ўқувчиларидан Нурматова Феруза фан олимпиадасида 3-ўрини олди, яна бир нафар ўқувчи Кенжаев Хасанбой кучли ўнталикка кирди.19 февралда бўлиб ўтган Истеъдод 2021 кўрик танловида майда пластика тўгараги раҳбари Юнусова Камола 3 ўрини эгаллаган бўлса, ўқувчилардан Юнусова Муштарий эса 2-ўрини эгаллади . Бир йилда 1марта ўтказиладиган бу кўрик танловнинг шарти чиқинди нарсалардан ажойиб сувенир ёки рўзғор учун керакли бирон буюм яратиш ва бу яратилган нарса аввал такрор-

ланмаган бўлиши лозим. Нурматова Феруза, Жўрабоева Райхона, Ахмадова Сайёралар эса бирданига 3-ўрини эгаллади.

Хулоса қилиб айтганда таълим кластери ҳамкорлиги орқали ўзаро алоқа, қарама-қарши таъсир қилиш узлуксиз таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминланишига хизмат қилади. Бунда барча субъектлар бир мақсад йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб, вазифасини сидқидилан бажариши натижасида таълим сифати кўтарилади, жамиятда ўқитувчи касбининг мавқеи ошади.

Тасвирий санъат соҳасидаги илмий янгиликлар, инновацион таълим лойиҳаларини узлуксиз таълим тизимига татбиқ этиб бориш тизими яратилади. Умумтаълим мактабларида мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

Изланиш ва тажриба-синов ишларининг дастлабки натижалари ушбу лойиҳа истиқболли эканини кўрсатмоқда. Чирчиқ тажрибаси сифатида уни Республикамиз таълим тизимига оммалаштириш, шубҳасиз, педагогик таълимда ўзининг ижобий натижасини беради деб ўйлаймиз.

Адабиётлар:


1. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида педагогик таълим инновацион кластернинг зарурияти /“Замонавий таълим” илмий-амалий оммабоп журнали// № 8, 2020. -16- 23 б.
2. Ғ. Мухамедов. Педагогик таълимда Чирчиқ тажрибаси /Янги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий газета// №48 (304), 2021 йил 7 март, -5 б.
3. Султанов Х.Э. Педагогик инновацион кластер ҳамкорлигида илмий-амалий семинарларнинг аҳамияти / Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў илимий-методикалық журнал. №4// -2020: Б.-78-85;
4. Байметов Б.Б., Султанов Х.Э. Узлуксиз таълимда “Педагогик таълим инновацион кластер” технологияларини жорий этишнинг аҳамияти/ Халқ таълими илмий-методик журнали. №1// -2020: Б.-102;
5. Султанов Х. Э., Худайбердиев П. У., Собиров С. Т. “Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени” 386 Педагогика «Молодой учёный» . № 4 (138) . Январь, 2017.
6. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш (тасвирий санъат дарслари мисодида). //“Замонавий таълим” илмий-оммабоп журнали, №4, 2016. -14 б;
7. Султанов Х.Э. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда кўргазма ва танловларнинг ўрни / ПЕДАГОГИКА илмий назарий ва методик журнал// Т:, -2016. №1. -113 118 б.;
8. Султанов Х.Э., Собиров С., Анқабоев Р. “Ёш мусаввир тўгараги” Услубий қўлланма /Низомий номидаги ТДПУ/, Т-2016 64 б.



РЕЗЮМЕ

Мақолада узлуксиз таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминланишга хизмат қиладиган таълим кластери ҳамкорлигининг Чирчиқ тажрибаси фаолияти ёритилади.

Илмий янгиликлар, инновацион таълим лойиҳаларини узлуксиз таълим тизимига татбиқ этиб бориш тизими яратилишига қаратилган изланиш ва тажриба-синов ишларининг дастлабки натижалари таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается деятельность Чирчикского опыта сотрудничества образовательного кластера, призванного обеспечить преемственность и непрерывность в системе непрерывного образования.

Будут проанализированы предварительные результаты научно-исследовательских и экспериментальных работ, направленных на создание системы научных инноваций, реализацию инновационных образовательных проектов в системе непрерывного образования.

SUMMARY

The article describes the activities of the Chirchik experience of cooperation of the educational cluster, designed to ensure continuity and continuity in the system of lifelong education.

The preliminary results of research and experimental work aimed at creating a system of scientific innovations, the implementation of innovative educational projects in the system of lifelong education will be analyzed.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан
филиалы

# «МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 3-2

Нөкис — 2021

Басып шығыўға жуўапкер:
*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:
*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 12.03.2021. Форматы 60x84 1/16
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т.     Нашр. т.     Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51

